

# Руҳий тарбия китобидан

05:00 / 28.02.2017 4675

## МУСУЛМОННИНГ ҲАҚЛАРИ

Ҳар бир мусулмоннинг бошқа мусулмонларда бир қанча ҳақлари бордир. Баъзиларни амал қилиш учун ўрганиб чиқамиз.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мусулмоннинг мусулмондаги ҳаққи олтидир», дедилар.

*«Улар, қайсилар, Эй Аллоҳнинг Расули,?» дейилди. «Қачон учратсанг, унга салом бер, қачон сени даъват қилса, унга жавоб бер, қачон сендан насиҳат сўраса, унга насиҳат қил, қачон акса урса ва Аллоҳга ҳамд айтса, унга яхшилик тила, қачон бемор бўлса, уни бориб кўр ва қачон вафот этса, ҳозир бўл», дедилар».* Бешовлари ривоят қилган.

Термизийнинг ривоятида: «Мусулмоннинг мусулмонда маъруф йўли ила олти ҳақи бордир; уни учратса салом беради, даъват қилса унга ижобат қилади, акса урса унга яхшилик тилайди, вафот этса жанозасига эргашади, бемор бўлса бориб кўради ва ўзига яхши кўрган нарсани унга ҳам яхши кўради», дейилган. Ушбу ҳадиси шарифда зикр қилинган нарсалардан ҳозир биз ўрганаётган бобнинг айна мақсадидир.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг бу ҳадиси шарифларида ўз умматларига уларнинг бир-бирларидаги ҳақларини ўргатмоқдалар:

### **1. Қачон учратсанг, унга салом бер.**

Икки мусулмон учрашганда уларнинг бирларида иккинчисига нисбатан салом бериш ҳақи бор. Улардан қай бири аввал салом берса, ўшаниси савобнинг кўпини олади ва ўз биродарига алик олишни фарз қилади.

Ҳа, салом бериш суннат бўлса, алик олиш фарздир. Ана шу тариқа жамият аъзолари ўртасида ўзаро муҳаббат ва ҳамкорлик ривожланади. Зеро фақат уришиб қолганларгина бир-бирлари билан саломлашмайдилар. Мусулмонлар эса ҳаммалари бир-бирлари билан саломлашишни ўзларига бошқаларнинг ҳақи деб англайдилар.

### **2. Қачон сени даъват қилса, унга жавоб бер.**

Бирор мусулмон маросим қилиб ўз биродарини ўша маросимга даъват қилса, ўша даъватга жавоб бериб, мазкур маросимга бормоқ ҳалиги

мусулмон зиммасига ҳақ бўлиб тушади. Бу ҳам жамият аъзолари орасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича муҳим омилдир.

Ҳанафий мазҳабида, номи валийма бўлса, унга қилинган даъватни қабул этиб, иштирок этиш учун бориш мандубдир, деганлар.

Валийма - бир мусулмон киши ўзига етган хурсандчилик муносабти ила уюштирган зиёфатдир. Мусулмон инсон Аллоҳ таоло томонидан унга берилган маълум неъматга шукр қилиш маъносида хайри эҳсон бўлсин, дея дастурхон ёзиб, кўнгил яқин кишиларни даъват қилади. У шу билан ўзига етган неъмат, сурурга биродарларини шерик қилишни ўйлайди. Шунинг учун ҳам уларни даъват қилади. Албатта, ундоқ даъватни қабул қилиш лозим бўлади. Чунки, шу туфайли мусулмонлар орасида ижтимоий алоқалар ривожланади, мустаҳкамланади. Мусулмонлар орасида ҳамжиҳатлик кучаяди.

### **3. Қачон сендан насиҳат сўраса, унга насиҳат қил.**

Албатта, ҳар бир киши ўз ҳаёти давомида турли туман муаммоларга дуч келиб туради. Бу муаммоларни ҳал қилишда унинг бир ўзи ожиз бўлиши ҳам турган гап. Шунинг учун у ўзгаларнинг маслаҳатига муҳтож бўлади. Ҳар ишнинг ўз мутахасиси бор. Улар ўз мутахасислигига оид масалаларни ҳал қилишда ўзгалардан яхшироқ мақеъга эгадир. Бошқалар ундан маслаҳат сўраганда тўғри маслаҳат бериш унинг зиммасидаги ҳақдир.

Шунингдек, мусулмон киши илми, таржибали қилишларнинг насиҳатига ҳам муҳтож бўлиб туради. Қачон бир мусулмон ўз биродаридан насиҳат сўраса, ўша сўралган мусулмонга насиҳат қилиш лозим бўлади.

Бу омил ҳам ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилиши турган гап.

### **4. Қачон акса урса ва Аллоҳга ҳамд айтса, унга яхшилик тила.**

Ҳар бир мусулмон акса урганида «алҳамду лиллаҳ» дейиши лозим. Унинг акса уриб, ҳамд айтганини эшитган мусулмон биродарига эса унга «ярҳамукаллоҳу»-Аллоҳ сенга раҳм қилсин, деб яхшилик тиламоғи бурчдир.

Сиртдан арзимайдиганга ўхшаб кўринадиган бу ишга Ислом алоҳида эътибор бериши ҳам кишилар ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга омил бўлиши турган гап.

### **5. Қачон бемор бўлса, уни бориб кўр.**

Бемор бўлган мусулмоннинг бошқа мусулмонлар устидан ҳаққи бор экан. У ҳам бўлса улар келиб беморни зиёрат қилиб кўриб, кўнгил сўраб, ҳаққига дуо қилиб кетишлари экан.

Ушбу ҳадиси шариф ҳукми бўйича бемор бўлган мусулмон ҳақида хабар

эшитган бошқа мусулмонлар уни бориб кўришлари бемор олдида бурчлари ҳисобланар экан.

## **6. Қачон вафот этса, ҳозир бўл.**

Ажали етиб вафот этган мусулмонни шариат аҳкомларига мувофиқ дафн қилиш бошқа мусулмонлар зиммасидаги фарзи кифоядир. Улардан бир қисми бу ишни амалга оширсалар, мазкур фарз қолганларнинг зиммасидан ҳам соқит бўлади. Шунинг учун бирор мусулмоннинг вафоти ҳақидаги хабарни эшитган ҳар бир мусулмон иложи борица жанозага қатнашмоғи лозимдир.

## **7. Ўзига яхши кўрган нарсани, унга ҳам яхши кўради.**

Мусулмон шахс учун ўзига яхши кўрган нарсани ўз диндошларига ҳам яхши кўрмоқ унинг уларнинг олдидаги бурчидир.

Ўзига яхши кўрган нарсани ўз диндошларига ҳам яхши кўрмоқ эса жамият аъзоларига ҳам, жамиятга ҳам, бутун инсониятга ҳам кони фойдадир.

## **8. Ўзига ёмон кўрган нарсани, биродарига ҳам ёмон кўради.**

Бу ҳақ аввалги гапдан келиб чиққан. Мусулмон ўзига яхши кўрган нарсани, биродарига ҳам яхши кўриши лозим бўлганидек, ўзига ёмон кўрган нарсани, биродарига ҳам ёмон кўриши лозим бўлади.

## **9. Мусулмонлардан бирортасига ҳам на гап ва на амал билан озор етказмаслик.**

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: *«Мусулмон мусулмонлар унинг тилидан ва қўлидан саломат бўлган одамдир. Муҳожир Аллоҳ қайтарган нарсадан (ҳижратда) узоқда бўлган одамдир», дедилар»*. Бешовлари ривоят қилган. Термизий ва Насайлар: *«Мўмин одамлар унга қонлари ва молларини ишонган одамдир»* жумласини зиёда қилганлар.

«Тилидан ва қўлидан» дейилганда фақат шу икки аъзони кўзда тутилган эмас. Одатда кўпроқ одамларга тил ва қўлдан зарар, озор етади. Аммо бундан бошқа услуб ва йўллар билан ҳам озор бериш мумкин эмас. Ким бу ишни қилса мусулмонлик фазлини йўқотади.

Энди, Термизий ва Насай ривоятларида келган: *«Мўмин одамлар унга қонлари ва молларини ишонган одамдир»*, деган таърифга тўхталайлик.

Иймон-мўмин, сўзлари «амн» - омонлик, ишончли маъноларини англатади.

«Мўмин» сўзи бизда ювош - хушфеъл маъносида ишлатилиши ҳам шундан.

Мўмин одам доимо тинчлик, омонлик тарафдори бўлганидан одамлар унга ўта ишониб қоладилар. Яъни, ўз жонлари ва молу-мулкларига мўминдан ёмонлик етмаслигига ишончлари комил бўлади.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: *«Иймон етмиш нечта ёки олтмиш нечта шўъбадан иборатдир. Унинг энг афзали «Лаа Илаҳа Иллаллоҳ» демоқлик ва энг кичиги, йўлдаги озор берадиган нарсани олиб ташлаш. Ҳаё, иймоннинг шўъбасидир»*, дедилар».

#### **10. Ҳар бир муслмонга нисбатан тавозуъли бўлиш, улардан бирортасига мутакаббирлик қилмаслик.**

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: *«Садақа молни ноқис қилмас. Аллоҳ авф ила бандага иззатдан бошқани зиёда қилмас. Ким Аллоҳ учун тавозуъ қилса, албатта, Аллоҳ уни юқорилатмай қўймас»*, дедилар». Муслим ва Термизий ривоят қилган.

Ибн Абу Дунёнинг ривоятда: *«Тавозуъ бандага юқориликдан бошқани зиёда қилмас. Бас, тавозуъ қилинг! Аллоҳ сизни юқорилатур. Афв бандага иззатдан бошқани зиёда қилмас. Бас, афв қилинг! Аллоҳ сизни азиз қилур. Садақа молга кўпайишдан бошқани зиёда қилмас. Бас, садақа қилинг! Аллоҳ аzza ва жалла сизга раҳм қилур»*, дейилган.

Олий мақомга етай десак, тавозуълик бўлайлик.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Албатта, Аллоҳ сизлардан жоҳилиятнинг кибрини ва ота-боболар ила фахрланишини кетказгандир. Тақводор мўмин ёки бадбахт фожир бўлиши мумкин. Сизлар Одам болаларисиз. Одам эса тупроқдандир. Кишилар қавмлар билан фахрланишларини қўйсинлар. Улар жаҳаннам кўмиридан бир кўмир бўлишдан ўзга эмаслар. Бўлмаса улар Аллоҳ учун тумшуғи ила гўнг титадиган сассиқ қўнғиздан ҳам пастроқ бўлурлар», дедилар». Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Иёз ибн Ҳимор розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: *«Аллоҳ менга «Тавозуъ қилинглар. Токи биров бировга тажовуз қилмасин ва биров бировдан фахрланмасин»*, деди», дедилар».

Абу Довуд ва Муслим ривоят қилган.

Демак, тавозуъ кишилар орасида, барча жамиятларда таовуз қилиш ва фахрланиш орқали содир бўладиган барча нохушликларнинг олдини олар экан.

#### **11. Муслмон киши бировнинг ғийбатига қулоқ солмаслиги ва ўзи бировни ғайбат қилмаслиги керак.**

Аллоҳ таоло «Ҳужурот» сурасида: *«Баъзиларингиз баъзиларингизни ғийбат қилманглар. Сизлардан бирорталарингиз ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейшни яхши кўрурми? Ҳа, ёмон кўрасизлар»*.

Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта, Аллоҳ тавбани кўп қабул қилувчи ва раҳмлидир», деган (12- оят).

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: *«Менинг асҳобларимдан бирортаси бошқа бир киши ҳақида гап етказмасин. Мен сизларнинг ҳузурингизга кўксим саломат ҳолимда чиқишни истайман»*, дедилар». Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: *«Ғуноҳи кабираларнинг каттаси бир одамнинг мусулмон кишининг обрўсига ноҳақдан тил тегизишидир. Бир сўкишга икки сўкиш ҳам ғуноҳи кабиралардандир»*, дедилар». Абу Довуд ривоят қилган.

Муставрид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: *«Ким бир кишини ғийбат қилиб бирор нарса еса Аллоҳ уни жаҳаннамдан худди ўшанча таомлантиради. Ким бир кишини ғийбат қилиб бирор нарса кийса Аллоҳ унга жаҳаннамдан худди ўшанча нарса кийдиради. Ким бир кишини шуҳрат ва риё учун ғийбат қилса Аллоҳ уни қиёмат куни шуҳрат ва риё учун шарманда қилади»*, дедилар». Абу Довуд ривоят қилган.

## **12. Ўзининг аччиғини чиқарган танишларидан уч кундан ортиқ аразламайди.**

Исломда биров билан сўкишиш, уришиш, жанжал қилиш ғуноҳ ҳисобланади. Бандачилик билан ғуноҳкор бўлиб уришиб, жанжаллашганларнинг бир-бирига адоват сақлаб аразлашиб юришлари ғуноҳ устига ғуноҳдир. Аччиғи чиққанда ўзига келиши учун уришган тарафларга уч кун муҳлат берилган. Ўша муҳлатдан кейин ҳам аразлашиб, бир-бирини кўрганда юз ўгириб кетишлик ҳаромдир. Ўртада юзага келган ноқулай ҳолатдан чиқишни ўз бўйнига олиб қарши томонга биринчи салом берган одам яхши одам бўлади.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: *«Мўмин мўминдан уч кундан ортиқ аразлаши ҳалол эмас. Агар у уч кунни ўтказган бўлса, ўша билан учрашиб, салом берсин. Агар унинг саломига алик қайтарса, иккилари ажрга шерик бўладилар. Агар саломга алик қайтармаса, у ғуноҳни ўзига олган бўлади. Мусулмон эса аразлашдан чиқади»*, дедилар». Абу Довуд ривоят қилган.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: *«Мусулмонга ўз биродаридан уч кундан ортиқ аразлаш ҳалол эмас. Ким ўшандан ортиқ аразлаб туриб ўлиб қолса, дўзахга киради»*, дедилар». Абу Довуд ривоят қилган.

### **13. Бирор мусулмоннинг ҳузурига унинг изнисиз кирмаслик.**

Уч марта изн сўрайди. Рухсат берса киради. Рухсат бермаса қайтиб кетади. Аллоҳ таоло «Нур» сурасида: «Эй иймон келтирганлар! Ўз уйларингиздан бошқа уйларга то изн сўрамагунингизча ва уларнинг аҳлига салом бермагунингизча, кирманг. Ана шундай қилмоғингиз сиз учун яхшидир, шоядки эсласангиз», деган (27 - оят).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «*Сиздан бирор киши изн сўраса, уч марта сўрасин, изн берилмаса, ортига қайтсин*», деганлар.

Чунки уй эгалари бировни қабул қила олмайдиган ҳолатда бўлишлари ёки айнан изн сўраётган шахсни қабул қилиш имконлари йўқ бўлиши мумкин.

Изн деганда уй эгасининг ёки у томондан вакил қилинган шахсининг изни кўзда тутилади. Уйга эга бўлмаган ёки уй эгаси томонидан вакил қилинмаган одамнинг изни ҳисобга ўтмайди.

Изн сўровчи тихирлик қилмаслиги, одоб билан уч мартагача изн сўраши, жавоб бўлмаса, қайтиб кетмоғи лозим.

### **14. Барчага ҳусни хулқ ила муомалада бўлиш.**

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «*Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: «Қаерда бўлсанг ҳам, Аллоҳга тақво қил. Ёмонликка яхшилиқни эргаштир. Бу уни ўчиради. Одамларга ҳусни хулқ ила муомала қил», дедилар*». Термизий ривоят қилган.

Мўмин-мусулмон банда ўз муомаласини барча одамлар ила ҳусни хулқ асосида олиб бормоғи керак.

### **15. Катта ёшлиларни улуғлаш, уламоларни ҳурмат қилиш ва болаларга раҳимли бўлиш.**

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «*Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кичкинамизга раҳм қилмаган, каттамызни улуғламаган, амри маъруф ва наҳйи мункар қилмаган биздан эмас», дедилар*». Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «*Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қай бир ёш қарияни ёши учун икром қилса, албатта, Аллоҳ унга ҳам қарилик чоғида ёши учун икром қиладиган шахсни муҳайё қилади», дедилар*». Термизий ривоят қилган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг бошқа бир ҳадисларида: «*Ким каттамызни улуғламаса, кичигимизга раҳм қилмаса, ва уламоларимизни эътироф қилмаса биздан эмасдир*», деганлар.

## **16. Барча одамларга очик чехрали, меҳрибон ва мулойим бўлиш.**

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Биродаринг юзига табассум қилмоғинг садақадир. Амри маъруф, наҳйи мункар қилмоғинг садақадир. Адашган еридаги одамни йўллаб қўймоғинг садақадир. Кўзи яхши кўрмайдиган кишига бир нарсани кўрсатиб қўймоғинг садақадир. Йўлдан тошни, тиконни ва суякни олиб ташлашинг садақадир. Ўзингнинг пақирингдан биродарингнинг пақирига қуйиб бермоғинг садақадир», дедилар». Термизий ривоят қилган.*

Очик юзлик бўлиш ҳусни хулқнинг бир шўъбасидир. Фақат бир бор бировнинг юзига табассум ила боқмоқ ҳам садақа экан. Исломда кишилар орсигаги ўзаро муомалаларга қанчалик эътибор берилганини қаранг! Садақа қилишдек улуғ ишнинг савобини олмоқчи бўлган одам бошқа бировга табассум ила боқиб қўйса етарли.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: *«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Оиша, албатта, Аллоҳ мулойимдир. У зот мулойимликни яхши кўради ва мулойимлик учун қўполликка ҳамда ундан бошқага бермаган нарсани берадир», дедилар». Тўртовлари ривоят қилган.*

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир маъруф садақадир. Биродарингни очик юз билан қарши олишинг ҳам, ўз пақирингдан биродарингнинг идишига бўшатмоғинг ҳам маъруфдандир», дедилар». Тўртовлари ривоят қилган.*

Яхшилик ҳақида келтирилган таърифларнинг бирида: *«Яхшилик-фарзу вожибларни қилиш. Ҳаромдан ҳазар қилиш. Одамларга очик юз билан қараб, уларга эҳсон қилиш», дейилган.*

## **17. Берган ваъдасига вафо қилиш.**

Имом Абу Довуд қилган ривоятда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: *«Ваъда қарздир», деганлар.*

Абдуллоҳ ибн Абу Ҳамсаа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан у зот пайғамбар этиб юборилишларидан олдин бир савдо иши килдим. Менда у зотнинг бир оз ҳақлари қолди. Мени уни турган жойларига келтириб беришни ваъда қилдим. Аммо унутиб қўйдим. Уч кундан кейин ёдимга келди. Келсам, у зот жойларида турибдилар. Мени кўриб:*

*«Эй йигит, мени машаққатга қўйдинг-ку, уч кундан буён шу ерда интизор бўлиб турибман», дедилар». Абу Довуд ривоят қилган.*

## **18. Ўзига яхши кўрган нарсани ўзгаларга ҳам яхши кўриш.**

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлардан бирортангиз то, ўзи учун яхши*

*кўрган нарсани, биродари учун ҳам раво кўрмагунча мўмин бўла олмайди», дедилар». Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.*

*Ҳа, мусулмон инсон ўзи учун яхши кўрган ҳар бир нарсани ўзининг бошқа биродарларига ҳам раво кўради. У ўзининг жаннатга киришини яхши кўрса, бошқаларни ҳам жаннатга киришини ёқтиради. Ўзининг дўзахга кирмаслигини яхши кўрган мусулмон, ўзгаларга ҳам дўзахга кирмасликни раво кўради. Мусулмон инсон бунинг учун куйиб-ёнади. У ўзи учун соғлик-саломатлик, бахт-саодат, фаровонликни яхши кўрганидек, ўзгаларга ҳам шунини ва шунга ўхшаган нарсаларни раво кўради.*

### **19. Кўриниши ва ҳайъати мартабасига далолат қилиб турган одамни улуғлаш ва ҳар кимни мартабасига қараб муомала қилиш.**

*Имом Ҳоким ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз уйларида бирига кирдилар. У зотнинг олдиларига саҳобалари кириб уй тўлиб тошди. Кейин Жарир ибн Абдуллоҳ Бажалий келди. Жой топа олмай, остонага ўтирди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ридоларини ўраб унга отдилар ва:*

*«Шунинг устига ўтир», дедилар.*

*Жарир уни олиб, юзига суртиб йиғлай бошлади. Сўнгра ўраб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга отди ва:*

*«Сизнинг кийимингиз устига ўтира олмайман. Мени сиз ҳурмат қилган бўлсангиз, Аллоҳ сизни ҳурмат қилсин!» деди.*

*Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўнгга ва чапга назар солдилар – да:*

*«Бир қавмнинг ҳурматли одами келса, икром қилинглар!» дедилар».*

### **20. Аввалдан ҳақи бор шахсни эҳтиромини қилиш.**

*Ибн Туфайл розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламини Жаъронада гўшт тақсимлаётганларини кўрим. Ўша вақтда мен ёш бола эдим. Туянинг суягини ташиб турган эдим. Бирдан бир аёл келиб қолди ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга яқинлашди. У зот уни кўриб ўринларидан турдилар ва унга ридоларини ёздилар. У унинг устига ўтирди. Мен:*

*«Бу ким?» дедим.*

*«У зотни эмизган оналари», дейишди». Абу Довуд ривоят қилган.*

### **21. Мусулмонларнинг орасини ислоҳ қилиш учун қўлидан келган барча чораларни ишга солиш.**

*Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида: «Уларнинг кўпгина махфий суҳбатларида яхшилик йўқ, магар ким садақага, яхшиликка ва одамлар орасида ислоҳга*

амр қилсагина, (яхшилик бор). Ким ўша (иш)ни Аллоҳнинг розилиги учун қилса, албатта, унга улуғ ажр берамиз», деган (114- оят).

Нисо сурасида келган ушбу ояти каримада, яхшилиги бор суҳбатлар ичида одамлар орасида ислоҳ учун олиб борилган суҳбатлар ҳам зикр қилинмоқда. Демак, ўша яхши иш шариатда бор, мўъмин-мусулмонлар уни қилишлари керак.

Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *«Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам: «Сизларга рўза, намоз ва садақадан ҳам афзал даража ҳақида хабар берайми?» - дедилар.*

*«Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули», - дейишди.*

*«Одамлар орасини ислоҳ қилиш. Одамлар орасини бузиш эса қирувчидир», - дедилар. Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.*

Термизий: *«Сочни қиради, демайман. Лекин динни қиради»*ни зиёда қилган.

Ушбу ҳадиси шарифдан одамлар орасини ислоҳ қилиш нақадар яхши иш эканини билиб оламиз. Шу билан бирга одамлар орасини бузиш нақадар ёмон иш эканини, у ҳудди устара билан сочи қириб ташлагандек, кишининг динини қириб ташлаб динсиз қилиб қўйишини билиб оламиз.

Саҳл Соъидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *«Бани Амрнинг орасида уруш бўлган эди. Бу Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васалламга етиб борди. Шунда У зот Пешинни ўқиб бўлиб, уларнинг орасини ислоҳ қилиш учун келдилар. Бухорий ва Насай ривоят қилган.*

Ўзаро уришиб қолган қавмнинг яраштириш учун Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг шахсан ўзлари боришлари, сулҳ иши ўта аҳамиятли иш эканига далолатдир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу ишларидан барча мўъмин-мусулмонлар, хусусан, уларнинг ишига бош бўлиб турган раҳбар шахслар ўрнатқилишлари лозимдир.

Умму Кулсум бинти Уқба розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *«Бу аёл Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат қилган биринчи муҳожиралардан бўлган эди. У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Одамлар орасини ислоҳ қилган қилган каззоб эмас. Хайрни айтади ва хайрни етказди», деганларини эшитган экан.*

*«Мен у зотнинг одамлар «ёлғон» дейдиган нарсадан бирор нарсага рухсат берганларини эшитмаганман. Илло уч нарсага; урушда, одамлар орасини ислоҳ қилишда ва эрнинг ўз хотинига ва хотиннинг ўз эрига гапиришида рухсат берганлар», деди у». Тўртовлари ривоят қилган.*

Абу Довуднинг лафзида: *«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёлғондан бирор нарсага рухсат берганларини эшитмаганман. Илло уч*

нарсани «ёлғончи ҳисобламайман» дер эдилар; одамлар орасини ислоҳ қилган одамни. У бир гапни айтса, ундан ислоҳдан бошқани ирода қилмайди. Урушда сўз сўзлаган кишини ва ўз хотинига сўз айтган эрни ҳамда ўз эрига сўз айтган хотинни», дейилган.

Исломда ёлғон ҳаром ва катта гуноҳ ҳисобланса ҳам ундан каттароқ зарарни қайтариш учун уч ҳолатда истисно тариқасида ёлғон ишлатишга рухсат берилган.

Мусулмонларнинг бир-бирлари билан урушиб юришлари жуда ҳам ёмон иш. Бу ёмон иш оқибатида инсонлар ва жамиятлар ораси бузилади. Кишиларнинг бир-бирлари билан хусуматлашишлари, уришилари барча бало офатларнинг бошидир. Шунинг бу ҳолат пайдо бўлиши билан қандоқ қилиб бўлса ҳам уни бартараф қилишга ўтмоқ зарур. Бу йўлда ҳатто ёлғон гапирилса ҳам рухсат. Чунки одамларнинг орасини ислоҳ қилиш учун ёлғон гапирган одам фақатгина яхшилик учун ёлғон гапирди.

## **22. Барча мусулмонларнинг айбини беркитиш.**

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким бир авратни кўриб уни беркитса, худди тирик кўмилган қизни қайта тирилтиргандек бўлади», дедилар»*. Абу Довуд ва Насай ривоят қилган.

Мусулмон одамнинг айбини беркитиш ана шундоқ улуғ иш. Бир мусулмон иккинчи мусулмоннинг айбини фош қилиб уни одамлар ичида шарманда қилиши худди уни тириклайин кўмиб юбориш билан баробардир. Бир мусулмоннинг кишилар ичида шарманда бўлишидан ўлгани афзал. Шунинг учун ҳам ўз биродарининг айбини беркитган одам уни ўлимдан сақлаб қолган билан баробар бўлади.

Муоз ибн Анас ал-Жуханий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким бир мўминни мунофиқдан ҳимоя қилса, Аллоҳ қиёмат куни бир фариштани юбориб унинг гўштини жаҳаннам ўтидан ҳимоя қилади. Ким бир мусулмонни бир нарса ила уни шарманда қилиш учун айбласа, Аллоҳ уни жаҳаннам кўприги устида то у гапидан қайтгунча ушлаб туради», дедилар»*. Абу Довуд ривоят қилган.

Бир одам мўмин кишини ғийбат қилиб обрўсини тўкаётган бўлса уни эштиб турган кишилар ичидан мазкур мўминни ҳимоя қилган одам катта ажрга эга бўлади. Унинг мўмин кишининг обрўсини ҳимоя қилгани қиёматда ўзига катта бахт бўлиб қайтади. Аллоҳ таоло уни дўзахдан ҳимоя қилади. Бас, шундоқ экан мўминлар бир-бирларини мунофиқларнинг ғийбат ва бўҳтонларидан ҳимоя қилишлари зарур.

Аксинча, бу дунёда мўмин-мусулмоннинг айблаш билан машғул бўлган одам қиёматда хижолатда қолар экан. Маҳшарга тўпланганлар ҳузурда

қилган набокорлиги жазоси ўлароқ жаҳаннам кўпригидан ўта олмай тўхтаб қолар экан. Бас, шундоқ экан мўмин банда зинҳор ўз биродарини айблашга ўтмасин.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким бир мўминдан бу дунё машаққатларидан бир машаққатни аритса, Аллоҳ таоло ундан қиёмат куни машаққатларидан бирини аритади. Ким бир камбағалнинг ишини енгиллатса, Аллоҳ унинг бу дунёю охиратидан ишларини енгиллатади. Ким бир мусулмоннинг айбини беркитса, Аллоҳ унинг айбини бу дунёю охиратда беркитади. Модомики, банда ўз биродарининг ёрдамида экан, Аллоҳ ҳам унинг ёрдамида бўлади. Ким илм талаб қилиш йўлига тушса, Аллоҳ унга жаннатнинг йўлини енгиллаштиради. Қайси бир қавм Аллоҳнинг уйларида бирида жам бўлиб, Аллоҳнинг китобини тиловат қилса, уни ўрганса, албатта, уларнинг устига сакийна тушади, уларни раҳмат ўраб олади, фаришталар қуршаб олади ва Аллоҳ Ўз ҳузуридагилар қаторида зикр қилади. Кимнинг амали ортга сурса, уни насаби олдга сура олмайди»-дедилар». Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Уламоларимизнинг айтишларича, айбини беркитиш моддий ва маънавий жиҳатдан бўлади.

Биринчиси-моддий камчиликларни беркитиш, мисол учун баданини беркитиш учун кийим олиб бериш бўлса, маънавийси эса ёмон иш қилганини кўриб қолиб ҳеч кимга айтмай беркитишдир. Бу ҳам инсон ҳаётида доимо учраб турдиган ҳолат. Бир жамиятда яшаб турган кишилар бир-бирларининг айбларини беркитиб яшасалар яхши бўлади.

Инсон билиб-билмай турли хатоларга йўл қўйиши мумкин. У ўзи йўл қўйган хатони беркитишга ҳаракат қилмоқдами, демак ўша одамда яхшилик бор. Шунинг учун унинг айбини очишга, ҳаммага ошкор этишга ҳаракат қилиш дуруст эмас. Агар биров гуноҳ ва айб ишларни ошкор қилса, ундан яхшилик кутиб бўлмайди.

Бировнинг айбини беркитган одам аслида ўзининг айбини беркитади. Аллоҳ таоло шу қилган иши учун унинг бу дунёю охиратдаги айбини беркитади. Чунки, у бировнинг айбини ошкор қилса, бошқа биров ёки ўша айби очилган киши унинг ҳам айбини очиши турган гап. Бу туфайли жамиятнинг ҳар бир аъзоси бошқасининг айбини очиш учун ҳаракат қиладиган бўлиб қолади. Оқибатда жамият аъзолари орасида ўзаро келишмовчилик ва душманчилик кучаяди, ҳамда жамият таназзулга юз туттади.

**23. Шубҳали ерларда бўлиб, ишларни қилиб одамларни ғийбат ва ёмон гумон каби гуноҳ ишларни қилишларига сабаб бўлиб**

## **қолмаслик.**

Бировнинг гуноҳ иш қилишга сабаб бўлиш, ўша гуноҳга шерикликдир.

Аллоҳ таоло «Анъом» сурасида: «Уларнинг Аллоҳдан ўзга ибодат қиладиганларини сўкмангиз. Бас, билмасдан зулм ила Аллоҳни сўкиб юрмасинлар...», деган (108 – оят).

Мушрикнинг бутларини сўкишдан қайтаришнинг асосий сабаби оятнинг ўзидан англашиляпти: «Бас, билмасдан зулм ила Аллоҳни сўкиб юрмасинлар».

Яъни, мусулмон киши мушрикнинг санамини сўкса, бундан ғазабланган мушрик ҳам жавобан Аллоҳ субҳонаҳу таолони таҳқирлашига сабаб бўлади.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Гуноҳи кабираларнинг энг катталаридан бири киши ўз ота-онасини лаънатламоғидир», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, қандоқ қилиб киши ўз ота-онасини лаънатлайди?» дейилди.

«Киши бошқа бир кишининг отасини сўкади. Бас, у ҳам буни отасини ва онасини сўкади», дедилар». Иккисини тўртовлари ривоят қилган.

Имом Бухорий, Муслим ва бошқалар келтирган ривоятдаСофия розияллоҳу анҳо онамиз айтадилар:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидда эътикоф ўтирган эдилар. Мен кечаси у кишининг зиёратларига келдим, бироз гаплашдим, сўнг, уйим томон турдим. У киши мени кузатгани мен билан турдилар. (У кишининг уйи Усома ибн Зайднинг масканида эди). Бас, ансорийлардан икки киши ўтиб қолди. Улар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни кўришлари билан тезлаб қолдилар.

Шунда У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Икковингиз шошилманг, бу-София бинти Ҳуяйдир»-дедилар.

«Субҳоналлоҳ! Эй Аллоҳнинг Расули!»-дейишди.

«Албатта, шайтон инсоннинг қон юрар жойида юради. Мен у сизнинг қалбингизга бирор нарсани ёки ёмонликни отишидан қўрқдим», - дедилар.

Умар ибн Хаттоброзияллоҳу анҳу:

«Ким ўзини шубҳали мақомга қўйса ва биров унинг ҳақида ёмон гумонга борса, ўзидан бошқадан хафа бўлмасин», деганлар.

## **24. Ҳожатманд кишиларга қўлидан иш келадиганлар ҳузурида воситачи - шафоатчи бўлиб ишини битириб беришга ҳаракат қилади.**

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида: «Ким яхши шафоат қилса, ундан ўз насибаси бўлур. Ким ёмон шафоат қилса, ундан ўз насибаси бўлур. Аллоҳ ҳар бир

нарсанинг баҳосини берувчи зотдир», деган (85- оят).

Араб тилида «шафоат» сўзи бизда танилган маънодан кўра кенгроқ маънода ишлатилади. Бировни бошқалар олдида оқлаш учун қилинган саъй-ҳаракат ва гап-сўз ҳам шафоат ҳисобланади. Инчунин, қоралаш учун қилингани ҳам. Шунингдек, бир ишнинг яхшилигини тушунтириш учун тарғиб қилиш, унга қизиқтириш яхши шафоат, ўша ишни ёмон деб тушунтириш эса, ёмон шафоат ҳисобланади.

Ояти каримада таъкидланишича яхши шафоат қилган киши, яхшилик йўлида воситачилик қилган киши ўша ўзи қилган шафоатчиликдан насибадор бўлар экан. Шунингдек ёмон шафоатчилик қилган одам ёмонликдан насибасини олар экан.

Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мўмин мўминнга худди бинодек баъзиси баъзисини тутиб туради» дедилар ва бармоқларини бир бирига киритиб кўрсатдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтирган эдилар. Бир одам ёки ҳожатманд киши сўров билан келди. У зот бизга юзландилар ва:

«Шафоатчилик қилинглар. Ажр оласизлар. Аллоҳ Ўз набийси тилида нимани истаса ҳукм қилсин», дедилар».

Тўртовлари ривоят қилган.

Бу ҳадиси шариф Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: саҳобаларни ҳожатманд кишига вомитачилик қилиб ёрдам беришга ўргатмоқдалар. Манаву одам мендан ўз ҳожатини сўраб келди. Сизлар мендан унинг ҳожатини чиқаришимни сўраш ила унга ёрдам беринглар, демоқдалар.

Ҳоким ва ишбошиларга мурожат қилиб бировларнинг ишини битириб бериш яхшидир. Фақатгина ҳадга лойиқ иш ҳокимга етганда ва ношаръий ишларда воситачилик қилинмайди. Бошқаларда шафоатчилик ажр билан тақдирланадиган ишдир.

Муовия розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *«Шафоатчилик қилинглар. Ажр оласизлар. Мен бир ишни қилмоқчи бўлсам ҳам, сиз шафоатчилик қилиб ажр олишингиз учун уни ортга суриб тураман. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:*

*«Шафатчилик қилинглар. Ажр оласизлар» деганлар», деди».* Абу Довуд ва Насай ривоят қилган.

Саҳобаи киромлар шафоатчилик қилиш бобида бошқаларга ўртак эдилар. Уларнинг бирлари бўлмиш Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг қандоқ шафоатчилик қилганлари билан танишиб қўйишимиз ўзимиз учун фойдалидир.

Имом ал-Ҳоким ва Тобаронийлар келтирган ривоятда Ҳассон ибн Собит

розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтадилар: «Биз ансорийлар жамоаси Умар ёки Усмондан (ровийлардан Абу Зинод шак қилган) бир нарсани талаб қилдик. Бас, Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳуни ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан бир неча нафарини ўзимиз билан бирга олиб бордик. Шунда Ибн Аббос ҳам гапирди, қолганлар ҳам гапирдилар. Улар ансорийларни, уларнинг фазлларини зикр қилдилар. Биз талаб қилган иш оғир иш эди. Волий узр айтди. У уларнинг ҳар гапига жавоб топиб бераверди. Охири улар унинг узрини қабул қилиб ўринларидан туришди. Илло Ибн Аббос турмади. У ўз гапида давом этиб: «Йўқ! Аллога қасамки, ансорийларга бундоқ қилиш тўғри келмайди. Ахир улар нусрат берганлар, жой берганлар...деб уларнинг фазлларини зикр қилаверди. У яна: «Манависи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шоирлари, у зотни ҳимоя қилган», деди.

Ибн Аббос ўзининг жамловчи каломи ила барча узрларни тўсиб, мурожат қилишда давом этаверди. Охири волийнинг бизнинг ҳожатимизни чиқаришда бошқа иложи қолмади.

Бас, Аллоҳ унинг каломи ила бизнинг ҳожатимизни раво қилганидан кейин чиқдик. Мен Абдуллоҳнинг қўлидан ушлаб олиб уни алқаб, ҳақиқага дуо қилиб борар эдим. Бас, масжидда у билан бирга бўлиб у қилган ишни қила олмаган жамоа олдидан ўтиб қолдим. Мен улар эшитадиган қилиб:

«Албатта, у ичингизда бизга энг яхшиси экан», дедим.

«Шундоқ!» дедилар.

Шунда мен Абдуллоҳга: «Аллоҳга қасамки, бу нубувватнинг қолдиғидир. Аҳмад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг меросидир. У ичингизда ўша нарсага ҳақлироғи экан!» дедим».

## **25. Ҳар бир учраган мусулмонга салом беради ва у билан қўл олишиб кўришади.**

Аллоҳ таоло: «Қачонки сизга бир саломлашиш ила салом берилса, сиз ундан кўра яхшироқ алик олинг ёки худди ўзидек жавоб беринг. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсанинг ҳисобини олувчи зотдир», деган (Нисо: 86).

Ислондаги саломлашиш энг гўзал ва энг маъноли саломлашишдир. Ислонда танигангаю танимаганга салом бериш суннатдир. Саломга алик олиш эса, вожибдир.

Пайғамбардан соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Қайси амал энг яхши амалдир?» деб сўралганда, у зот: «Таниган ва танимаган одамнингга таом ва салом бермоғинг», деб жавоб берганлар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жоним қўлида бўлган зот ила қасамки, мўмин бўлмагунингизча жаннатга кирмассиз. Ўзаро муҳаббат қилмагунингизча

мўмин бўлмассиз. Сизни қачон қилсангиз ўзаро муҳаббат қиладиган бўладиганингиз амалга далолат қилайми? Орангизда саломни кенг таратинг», дедилар». Абу Довуд, Термизий ва Муслим ривоят қилган.

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамларнинг Аллоҳга энг яқини уларга энг аввал салом берганидир», дедилар». Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Роҳманга ибодат қилинглари! Саломни тарқатинглари! Жаннатга салом ила кирурсизлар», дедилар». Термизий ривоят қилган.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аввал салом, кейин калом», дедилар».

Чунки салом омонлик ва тинчликдир. Аввал омонлик ва тинчликни эълон қилиб олиб сўнг гап бошлаш лозим. Шунинг танигану танимаган ҳар бир кишига гапиришдан аввал салом бермоқ исломий маданиятнинг ажралмас қисмидир.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Салом бермагунича бировни таомга даъват қилманг», дедилар».

Иккисини Термизий ривоят қилган.

Чунки салом мартабада таомдан устин туради.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Отлиқ пиёдага, пиёда ўтирганга ва оз кўпга салом беради», дедилар». Тўртовлари ривоят қилган.

Бу ҳадиси шарифда одоб бўйича ким кимга аввал салом бериши ҳақида сўз кетмоқда. Демак, маркабга миниб олган одам пиёда кетаётган одамга салом бериши керак экан. Тик юриб кетаётган одам ўтирган одамга салом бермоғи лозим. Озчилик кўпчиликка салом бермоғи керак.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: «Эй Болам! Қачон аҳлинг олдига кирсанг салом бер. У сенга ҳам, аҳли байингга ҳам барака бўладир», дедилар». Термизий ривоят қилган.

Ўз уйига кираётган киши ўзининг аҳли байтига ёки ўзига салом бериши лозимлиги Қуръони Каримда ҳам зикр қилинган.

Аллоҳ таоло «Нур» сурасида: «**Уйларга кирган чоғингизда ўзларингизга Аллоҳдан бўлган покиза ва муборақ табрик ила салом беринглари. Аллоҳ сизларга оятларни ана шундай баён қилур. Шоядки ақл юритсангиз**», деган (61- оят).

Ояти каримадаги «ўзларингизга» сўзини бир-бирингизга ва ўзингизга-

Ўзингиз деб тушунмоқ лозим. Чунки бунинг баёнида келган ривоятларда, биров бир уйга кирганда ўша ерда бор кишиларга салом беради, агар у ерда ҳеч ким бўлмаса, «Ассалому алайна ва ала ибодиллоҳис-солиҳийн», деб ўзига ва солиҳларга салом беради, дейилган.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мусулмон зиммасига ўз биродари учун беш нарса вожиб бўладир; Саломга алик олиш, акса ургангга соғлик тилаш, даъватга ижобат қилиш, беморни кўриш ва жанозага ергашиш», дедилар». Бешовлари ривоят қилган.

Ушбу ҳадиси шарифда зикр қилинган нарсалардан ҳозир биз учун кераги, саломга алик олишдир. Қолганлари ўз ўрнида келган.

Бир мусулмон салом берса унинг саломига алик олиш иккинчи мусулмонга вожиб бўлар экан. Саломга алик олмаган киши вожиб амални тарк қилган шахс сифатида гуноҳкор бўлади.

Қатода розиаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Мен Анасга: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларида қўл олиб кўришиш бормиди?» дедим.

«Ҳа», деди». Бухорий ва Термизий ривоят қилган.

Баро ибн Озиб розиаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Икки мусулмон учрашганларида қўл олиб сўрашсалар, албатта, уларни бир-бирларидан ажрашларидан олдин мағфират қилинади», дедилар». Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қачон икки мусулмон учрашиб, қўл олиб сўрашсалар, Аллоҳга ҳамд айтсалар ва У зотга истиффор айтсалар, икковларини мағфират қилинади», дедилар». Абу Довуд ва Ибн Сунний ривоят қилган.

Анас розиаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Аҳли Яман келганида Расулуллоҳи соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Батаҳқиқ, ҳузурингизга аҳли Яман келди. Улар биринчи қўл олиб кўришганлардир», дедилар». Абу Довуд ривоят қилган.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади: «Бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, Биздан бир киши ўз биродарини ёки дўстини учратса, унга эгилиб таъзим қиладими?» деди.

«Йўқ», дедилар.

«Уни қучоқлаб, ўпадими?» деди.

«Йўқ», дедилар.

«Қўлидан олиб, қўл бериб сўрашадими?» деди.

«Ҳа», дедилар».

Яна ўша кишидан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам

бир киши у зотга йўлиқиб қўл олиб кўришса, ўша одам ўзи қўлини тортмагунча у зот қўлларини тортиб олмас эдилар. Унинг ўзи юзини ўгирмагунча у зот юзларини ўгирмас эдилар. У зотни ўзлари билан ўтирган одам олдида тиззаларини чўзганлари кўрилмаган».

Абдуллоҳ розиаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сўрашишнинг батомом бўлиши қўл олиш иладир», дедилар». Учовини Термизий ривоят қилган.

**26. Мусулмон биродарининг жони, моли ва обрўсига етадиган зулмни даф қилади ва унга бу ишда ёрдам беради. Бу исломий биродарлик тақозо қиладиган ҳақдир.**

Муоз ибн Анас ал-Жуханий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким бир мўминни мунофиқдан ҳимоя қилса, Аллоҳ қиёмат куни бир фариштани юбориб унинг гўштини жаҳаннам ўтидан ҳимоя қилади. Ким бир мусулмонни бир нарса ила уни шарманда қилиш учун айбласа, Аллоҳ уни жаҳаннам кўприги устида то у гапидан қайтгунча ушлаб туради», дедилар».

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қай бир одам бир мусулмон кишини уни беҳурмат қилинаётган ва обрўси тўкилаётган жойда ҳимоясиз қолдирса, Аллоҳ ҳам уни У зотнинг ҳимоясини истаб турган жойда ҳимоясиз қолдиради. Қай бир одам бир мусулмон кишини уни беҳурмат қилинаётган ва обрўси тўкилаётган жойда ҳимоя қилса, Аллоҳ ҳам уни У зотнинг ҳимоясини истаб турган жойда ҳимоя қилади», дедилар». Иккисини Абу Довуд ривоят қилган.

Биробарин мусулмон киши ўз биродарини ҳеч ҳам беобрў ва беҳурмат қилинишига қўймасин. Ўшандоқ ҳолат пайдо бўлса дарҳол уни ҳимоя қилсин. Ана шундагина у қиёмат куни Аллоҳ таолонинг ҳимоясида баҳраманд бўлади.

Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким ўз биродарининг обрўсини ҳимоя қилса, Аллоҳ қиёмат куни унинг юзини дўзахдан ҳимоя қилади», дедилар». Термизий ва Аҳмад ривоят қилган.

Шарҳ: Ҳа, мусулмонлар бир-бирларини ёмонларнинг ғийбат ва бўҳтонларидан сақлашлари, ҳимоя қилишлари лозимдир. Агар бу иш қилинмаса, жамият ифвохонага, бўҳтон марказига айланиб қолади. Бу билан жамият аъзолари орасида ўзаро адоват авж олади. Аста секин бундоқ жамият танозулга юз тутди.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мўмин мўминнинг ойнасидир. Мўмин мўминнинг

*биродаридир. Унинг зое бўлган нарсасини топиб беради ва уни ортидан беркитиб туради», дедилар». Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.*

Термизийнинг лафзида:

«Албатта, сизнинг бирингиз ўз биродарининг ойнасидир. Агар унда кирни кўрса артиб қўйсин», дедилар».

Ушбу ҳадиси шарифга амал қилингандагина мўминлар катта ютиқларга эришишлари мумкин. Бу ҳадиси шарифга амал қилмай туриб, балки унинг тескарисини қилиб туриб бирор яхшиликни кутиш мумкин эмас.

## **27. Ёмон одамга учраб қолса, чидайди ва ундан эҳтиёт бўлади.**

Аллоҳ таоло «Мўминун» сурасида: «Ёмонликни гўзал нарса ила дафъ қил», деган (96 – оят).

Яъни, уларнинг ёмонликларига яхшилик билан жавоб қайтар. Шунда гўзал бўлади.

Аллоҳ таоло «Раъд» сурасида: «Ва ёмонликни яхшилик ила қайтарарлар», деган (22 – оят).

Уламоларимиз, ушбу оятдаги ёмонликни яхшилик билан қайтариш кундалик шахсий муомалаларда ёмонликни синдириш йўлида бўлади, аммо Аллоҳнинг динига тегишли ишларда қўлланилмайди, деганлар.

Оиша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «*Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига киришга изн сўради. Бас, у зот: «Унга изн беринглар. У ўз уруғининг қандоқ ҳам ёмон биродари ёки уруғининг қандоқ ҳам ёмон ўғли», дедилар.*

*У кирганда эса унга мулойим гап айтдилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, айтган гапингизни айтдингизу кейин унга мулойим гапирдингиз?» дедим.*

«*Эй Оиша! Одамларнинг ёмони одамлар унинг фаҳшидан кўрқиб тарк қилганларидир», дедилар».* Тўртовлари ривоят қилган.

Ушбу ҳадиси шарифдан ёмон одамлар билан уларнинг шарридан сақланиш мақсадида муроса учун мулойим сўзлашиши мумкинлиги келиб чиқади.

## **28. Ҳар бир мусулмонга қўлидан келган насиҳатни аямаслик.**

Тамийм ад-Дорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Дин насиҳатдир», дедилар.

«Ким учун?» дедик.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «*Аллоҳ учун, У зотнинг китоби учун, У зотнинг Расули учун ва мусулмонларнинг имомлари ҳамда оммалари учун», дедилар».* Бешовлари ривоят қилган.

«Насиҳат» луғатда холис, покиза, содиқ маъноларни билдиради. Урфда эса, бир кишининг бошқасига холис ният, содиқлик билан яхши йўл-йўриқларни айтишдир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Дин насиҳатдир» деганлари, диннинг асосий мадори, насиҳатдан иборатдир, деганларидир. Бу «Ҳаж арафадир» деганларига ўхшайди. Яъни, ҳажнинг мадори, асосий рукни Арафотда туришдир, деганларидир.

Саҳобалар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан бу умумий гапни эшитиб, унинг тафсилотини билмоқчи бўлдилар ва: «Ким учун?» деб сўрадилар.

Яъни, «насиҳат қилсак ким учун қиламиз?» дедилар.

Шунда Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам диннинг мадори бўлмиш насиҳат, беш нарсада эканлигини баён қилиб бердилар:

1. «Аллоҳ учун» яъни, Аллоҳга иймон келтириш, унга шукр қилиш, амрларини бажариб, қайтарганларидан қайтишга ундаб насиҳат қилишдир.
2. «У зотнинг китоби учун» яъни, Аллоҳнинг китоби – Қуръони Каримни ўрганиш, унга амал қилиш ва одамларни ҳам шу ишга ундаб, насиҳат қилиш.
3. «У зотнинг Расули учун» яъни, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашиш, у кишининг шариатига, суннатига тобеъ бўлиш, бошқаларни шунга даъват қилиш.
4. «Мусулмонларнинг имомлари учун». «Имом» деганда халифа, давлат бошлиғи кўзда тутилади. Улар учун насиҳат қилиш, уларга итоат қилиш, одамларни ҳам шунга даъват қилиш билан бўлади.
5. «Мусулмонларнинг оммаси учун».

Барча мусулмонларга икки дунё саодати, яъни Ислом йўлини кўрсатиб, насиҳат қилиш бўлади.

Ушбу вазифаларни қилган одам диннинг энг муҳим ишини амалга оширган бўлади.

## **29. Ғофил аҳли дунёдан четда бўлиб, фақир, мискин ва етимларга яхшилик қилиш.**

Ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам: «Эй аҳлим, намоз ўқинг, закот беринг, мискинларга, етимларга, қўшниларга яхшилик қилинг. Шояд Аллоҳ сизларни жаннатда бирга қилса, деган одамга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин», деганлар.

Аллоҳ таоло: «Бу дунё ва охираат ҳақида. Сендан етимлар ҳақида сўрарлар. Сен: «Уларга ислоҳ қилиш яхшидир», деб айт. Агар уларнинг (молларини)

аралаштириб юборсангиз, бас, биродарларингиз. Аллоҳ бузғунчини ҳам, ислоҳчини ҳам билади. Агар хоҳласа, Аллоҳ сизларни қийинчиликка соларди. Албатта, Аллоҳ азиз ва ҳикматли зотдир», деган. (Бақара: 220)

Бу ояти каримада боқувчисиз қолган етим ҳақида гап бўлмоқда: «Сендан етимлар ҳақида сўрарлар», деяпти Аллоҳ таоло Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:га хитоб қилиб. Ва жавобдан маълум бўладики, савол етимларга бўладиган муомала, уларнинг мерос олган молларига қандай муносабатда бўлиш ҳақида экан. Чунки оятда:

«Уларга ислоҳ қилиш яхшидир, деб айт», дейиляпти.

Етимларга ислоҳ (яхшилиқ) қилишда хайри барака бор. Етимларга яхши қараш ҳар бир жамиятдаги ижтимоий тенгликнинг муҳим омилларидан биридир. Шунинг учун ҳам Исломда бу масалага алоҳида эътибор берилган. Қуръони Каримда ушбу масала бўйича бир қанча оятлар келган, жумладан, Анъом сурасида: «Етимларнинг молига яқин келманг...»; дейилган бўлса, бошқа бир сурада: «Албатта, етимларнинг молини зулм ила еювчилар қоринларига оловдан бошқани емайдилар ва тезда дўзахга кирадилар», дейилган.

Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен ва етимнинг кафили жаннатда мана бундоқмиз», деб кўрсаткич ва ўрта бармоқларини бирлаштириб кўрсатдилар».* Тўртовлари ривоят қилган.

Муслимнинг ривоятида: *«Ўзига қарашли ёки ўзгага қарашли етимнинг кафили ва мен жаннатда манабулар каби бўламиз», деб кўрсаткич ва ўрта бармоқларга ишора қилдилар», дейилган».* Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким икки мусулмондан бўлган етимни тутиб таом ва шароб берса, албатта, Аллоҳ уни жаннатга киритади», дедилар».* Термизий ривоят қилган.

Сафвон ибн Сулайм розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бева ва етим учун саъйи ҳаракат қилувчи Аллоҳнинг йўлидаги мужоҳид кабидир. Ёки наҳорни рўза тутиб, тунни бедор бўлиб ўтказувчи кабидир», дедилар».* Икки шайх ва Термизий ривоят қилган.

### **30. Қўшничилик ҳақида риоя қилиш.**

Аллоҳ таоло: «Ота-онага, қариндошларга, етимларга, мискинларга, яқин қўшниларга, ён қўшниларга, ёнбошдаги соҳибларга, кўчада қолганларга ва қўлингизда мулк бўлганларга яхшилиқ қилинглр», деган. (Нисо: 36)

Нисо сурасидаги бу ояти каримада Аллоҳ таоло бир неча тоифа одамларга

яхшилиқ қилишга амр қилмоқда;

Биринчиси–ота-оналардир.

Иккинчиси–қариндошлар.

Учинчиси–етимлар.

Тўртинчиси–мискинлар.

Бешинчиси–яқин қўшни.

Олтинчиси–ён қўшни.

Тафсирчи уламоларимиз ояти каримада зикр қилинган «яқин қўшни»ни қариндош қўшни, яъни, яқинлиги бор қўшни, деб; «ён қўшни» эса, оддий, яқинлиги йўқ қўшни, деб тушунтирганлар.

Қўшнига яхшилиқ қилиш ҳақидаги исломий таълимотлар ҳам дунёда мисли йўқ таълимотдир.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: *«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жиброил менга қўшни ҳақида шу қадар кўп тавсия бердики, уни меросга ҳам шерик қилармикан, деб ўйлаб қолдим», дедилар».* Тўртовлари ривоят қилган.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади: *«Эй Аллоҳнинг Расули, менинг икки қўшним бор. Улардан қай бирига ҳадия қилай?» дедим.*

*«Сенга эшиги яқинига», дедилар».*

Абу Шурайҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳга қасамки, мўмин бўлмайди! Аллоҳга қасамки, мўмин бўлмайди! Аллоҳга қасамки, мўмин бўлмайди!» дедилар.*

*«Ким, Эй Аллоҳнинг Расули,» дейилди.*

*«Қўшниси ёмонлигидан эмин бўлмаган одам», дедилар».* Бухорий ва Муслим ривоят қилган.

Муслимнинг ривоятида: *«Қўшниси ёмонлигидан омонда бўлмаган одам жаннатга кирмайди», дейилган.*

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: менга: «Қачон шўрва пиширсанг, сувини кўпроқ қилгинда қўшнилариңга ҳам бергин», дедилар».* Муслим ривоят қилган.